

**“KAFIL SUG`URTA” СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАЛАБАЛАРИ ҲАМДА МАГИСТРАНТЛАРИ УЧУН
ЎТКАЗИЛАДИГАН “KAFIL SUG`URTA GRANTI”
ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб “KAFIL SUG`URTA” суғурта компанияси томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари ҳамда магистрантлари учун ўтказиладиган танловини ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Танлов ҳар ўқув йилида бир маротаба сентябрь - ноябрь ойларида ташкил этилади ва ўтказилади. 2023-2024 ўқув йили учун шартли равишда март – апрел ойларида ташкил этилади ва ўтказилади.

Танлов шартлари ва муддатларига Университет таклифи ҳамда Компания заруратидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1. Танловда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бакалавриат талабалари ҳамда магистрантлари иштирок этишлари мумкин.

2. Танлов 2 босқичда ташкил этилади ва ўтказилади.

3. Танлов иштирокчиларини баҳолаш компания Бошқарув раисининг тегишли буйруғи билан тасдиқланадиган ва 5 кишидан иборат Танловни ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан амалга оширилади.

4. Танловнинг **биринчи босқичи** ҳар ўқув йилининг 5 сентябрь санасидан 30 сентябрь санасига қадар ўтказилади. Мазкур муддатларда танловда иштирок этиш истагида бўлган барча иштирокчилар компаниянинг расмий www.kafil.uz сайти орқали рўйхатдан ўтишлари шарт.

5. Шартли равишда 2023-2024 ўқув йили учун танловнинг **биринчи босқичи** 2024 йилнинг 1 март санасидан 25 март санасига қадар ўтказилади ва танловда иштирок этиш истагида бўлган барча иштирокчилар компаниянинг расмий www.kafil.uz сайти орқали рўйхатдан ўтишлари шарт.

Номзодлар рўйхатдан ўтиш жараёнида танловда имтиёзлар берувчи тегишли (ўқиш жараёнида эришган ютуқлари, турли диплом ва фахрий ёрликлар ҳамда тил билиш даражасини тасдиқловчи сертификатлар ва ҳ.к) хужжатларни белгиланган ҳавола орқали электрон шаклда юклашлари мумкин.

6. Комиссия томонидан рўйхатга олинган номзодлар, уларнинг маълумотлари 10 (ўн) иш кунда кўриб чиқилади ва биринчи босқич ғолиблари аниқланади.

7. Танловнинг **иккинчи босқичи** ҳар ўқув йилининг **10-15 октябр** саналарида Университетда ташкил этилган компаниясининг илмий-амалий лабораториясида (кейинги ўринларда – Лаборатория) бўлиб ўтади.

8. Шартли равишда 2023-2024 ўқув йили учун танловнинг **Иккинчи босқичи 8-12 апрель кунлари** Лабораторияда бўлиб ўтади.

Мазкур босқичда номзодлар ўзлари билан белгиланган шаклдаги маълумотномаси (резюме) олиб келишлари сўралади. Комиссия томонидан биринчи босқичдан ўтган иштирокчилар соҳа бўйича, қизиқишлари ҳамда келажакдаги режалари юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтказилади. Суҳбат давомида номзоднинг билими билан биргаликда интеллектуал қобилияти ва ахлоқ-одоби сифатлари баҳоланади ҳамда унинг университетни тамомлагандан сўнг компанияда меҳнат фаолиятини юритиш истаги инобатга олинади.

9. Танлов ғолибларини аниқлашда қуйидаги мезонлар белгиланади:

- ўқув жараёнида (сўнгги семестр натижаларига кўра) юқори рейтинг кўрсаткичга эга бўлиши;

- интеллектуал қобилияти ва ахлоқ-одоби сифатлари, қизиқиши ҳамда эркин фикрлаши;

- давлат тили, рус тили ёки бошқа хорижий тилларни ўзлаштирган ҳамда ўқишни тамомлагач, компанияда меҳнат фаолиятини олиб бориш истагидаги бўлган иштирокчиларга устунлик берилади.

10. Суҳбат натижаларига кўра иштирокчиларнинг эришган ютуқлари ва кўрсаткичларини инобатга олинган ҳолда, танлов ғолиблари аниқланади.

11. Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

➤ Танлов якунига кўра энг юқори натижага эришган ва 1-ўринга лойиқ, деб топилган 2 (икки) нафар иштирокчи билан ўзаро икки томонлама шартнома имзоланади, ғолиб талаба ёки магистрнинг хоҳишига кўра *1 йиллик ўқиш учун тўлов контракт суммаси ёки 1 ўқув йили мобайнида университетда бериладиган 5 “аъло” баҳолик ойлик стипендия қийматида пул мукофоти тўлаб берилади.*

➤ Танловда юқори кўрсаткичларга эришиб, 2-ўринга лойиқ, деб топилган 2 (икки) нафар иштирокчи билан ўзаро икки томонлама шартнома имзоланади ҳамда *1 ўқув йили мобайнида университетда бериладиган 5 “аъло” баҳолик ойлик стипендия қийматида пул мукофоти тўлаб берилади.*

➤ Танловда ижобий натижаларга эришиб, 3-ўринга лойиқ, деб топилган 2 (икки) нафар иштирокчининг ҳар бирига *2 000 000 сўм миқдорда пул мукофоти тақдим этилади;*

➤ Танловда иштирок этиб ижобий натижаларга эришган 4 (тўрт) нафар иштирокчининг ҳар бирига *компания ва унинг ҳудудий филиалларида меҳнат фаолиятини олиб бориш имкониятини берувчи сертификат ҳамда қимматбаҳо ва эсдалик совғалар тақдим этилади;*

12. Танлов якуний босқичи яъни ғолибларини тақдирлаш маросими ҳар ўқув йилининг 15 ноябр санасига қадар, 2023-2024 ўқув йили учун шартли равишда 2024 йилнинг **25 апрель санасига қадар** Университет ҳамда компаниянинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлари орқали эълон қилинади ва университетда тантанали равишда тақдирланади.

“KAFIL SUG'URTA” АЖ
Бошқарув раиси
Ф.Артиков

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Ректори
Т.З. Тешабоев

